

ЗАМОНБОБО МАДАНИЯТИНИНГ ЗАРАФШОН ВОДИЙСИ ИБТИДОЙ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДАГИ ЎРНИ

И.А.Пирматов, магистр

Ушбу маҳолда Замонбобо комплекси моддий маданияти ўзбек халқи, жумладан Зарафшон водийсида яшаган халқларнинг қадимги тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилиши. Бу туркум ёдгорликлар чорвадор қабилалар маданияти ўрганиши учун муҳим маълумотлар ёритилади.

Замонбобо водийсининг кўйи ҳавзасида ўрганилган жез даври уруғ-жамоаларининг маданиятига тегишли ёдгорликлар комплекси Замонбобо маданияти ҳисобланади. Бу ёдгорликнинг санаси мил. авв. 2 минг йилликнинг биринчи ярмига доир эканлиги исботланган. Бу маданият 1950-1953 йилларда Я.Ғ.Ғуломов томонидан уюштирилган археологик экспедиция томонидан ўрганилган.¹ Ёдгорлик Бухоро вилояти Қоракул тумани марказидан 15 км шимолий-ғарбда жойлашган. Замонбобо (номи шундан) кўли соҳилида жойлашган макон бўлиб, умумий майдони 170 м². Бу ерда 45 та қабр ўрганилган. Қабристонда 1950-1953 йилларда Я.Ғ.Ғуломов, кейинчалик 1961-1964 йилларда унинг шогирди А.А.Асқаров текширишлар олиб борган.² Аниқланишича, Замонбобо турар жойлари усти чайла қилиб беркитилган ертўлалардан иборат бўлган. Таги ясси ва думалоқ, безаксиз сопол идишлар, жез буюмлар, пайконлар, тош мунчоқлар, тош ўрок парчалари ва бошқалар топилган.

Аслини олганда бу макон Зарафшон водийсида ўрганилган энеолит ва бронза даврига доир иккинчи туркум ёдгорликлар чорвадор қабилалари маданияти билан боғлиқ бўлиб, унинг водий худудидаги энг қадимийси ҳисобланади. Қазиишмалар туфайли ўрганиш натижаси бу маданият эгалари энеолит ва бронза даври хонаки чорвачилик ва мотиға деҳқончилиги билан шуғулланувчи дашт қабилаларининг маданиятига тегишли эканлиги аниқланган. Бу маданиятнинг излари иккита манзилгоҳ билан боғлиқ эканлиги маълум бўлди.

Биринчи манзилгоҳ Замонбобо кўли яқинида, Гуджайли ўзани соҳилида, баланд қир остидан топилган. Манзилгоҳнинг сой томони эса марзага айланган қалин девор билан ўраб олинган. Унинг майдони кўчма қумлардан тозалангач, очилган тақир майдондан, юқорида эслатилгандек, турли археологик материаллар ва қурилма қолдиқлари учратилади. Манзилгоҳ майдони 170 м² майдонни эгаллаган ярим ертўла, унинг ичидан ертўла томини тутиб турувчи тиргак устунлардан қолган чуқурчалар, ўрок қолдиқлари, уларнинг атрофидаги қалин маданий қатламдан сопол парчалари, хайвон суяклари, тош ва металлдан ишланган турли археологик

¹ Я.Ғ.Ғуломов, У.Исламов, А.Асқаров. Первобытная культура и орашаемое земледение низовьев Зарафшана. -Ташкент, 1966.

² А.А.Асқаров. Культура Замонбаба в низовья Зарафшана. – ОНУ, Ташкент, 1962, № II; А.Асқаров. Поселение Замонбаба. КСИА. Вып. 93. -М, 1963.

ашёлар, жумладан, чакмоқтошдан ишланган кадама ўроқлар, ёрғучоқ бўлаклари, ҳавонча дасталари ва кўмирга айланган буғдой, арпа донлари, сигир, қўй, эчки суякларининг топилиши Замонбобо маданияти даврида қабилалар ибтидоий дехқончилик ва ўтроқ чорвачилик билан шуғулланганлигидан далолат беради. Шунингдек, қазилмалардан сопол синиқлари, чакмоқтошдан ишланган турли қуроқлар – япроқсимон пайконлар, пичоқсимон тош парчалар, сурма тошлар, жез ойна, пичоқ, кўзачалар, лазурий, ақиқ, феруза, сердолик, жилвор тошдан ишланган мунчоқлар, олтин маржон топилган. Сопол идиш (таги текис ва думалоқ хум, хумча, тўғри бурчакли сувдон, товоқча)лар нақшсиз бўлиб, асосан, қўлда айримлари чархда ясалган. Уларнинг барчаси юпка, жарангдор, баъзилари қизил ангоб билан бўялган. Макондан кичик сопол ҳайкалча топилган бўлиб, бу эса ҳосилдорлик маъбудаси бўлса керак, деб ҳикоя қилади А.Асқаров. Макондан Бадахшон тошидан ишланган мунчоқ, Жанубий Туркменистондаги қабилаларнинг қўшни қабилалар билан иқтисодий ҳамда маданий алоқада бўлганлигини кўрсатади. Бу жойларда неолит даврида Қалтаминор маданиятига мансуб қабилалар яшаганлиги ҳам аниқланган. Бу маданиятли қабилаларнинг дафн маросим, урф-одатларига келганда, макон қабрларида мурдалар якка, жуфт, айрим ҳолда учтадан (эркак, аёл, бола) ёнбошлатиб кўмилган.

Иккинчи Замонбобо манзилгоҳи кўлидан, тахминан, 6-7 км ғарбда, сой соҳилидан топилган, унинг устидан териб олинган сопол парчалари, металлдан ишланган турли меҳнат қуроқларининг бўлаклари ҳамда тош қуроқлар мажмуаси Замонбобо қабристонини ва манзилгоҳ I материалларидан фарқ қилмайди. Замонбобо материаллари комплекси ичида сополлар ва катта миқдордаги уй ва ёввойи ҳайвон суяклари – кўхна чиқиндилардан ташқари терракота урчуктошлар, антрапоморф фигуралар, чакмоқтошдан ясалган турли хил меҳнат ва ов қуроқлари, тош мунчоқлар, ёрғучоқ ва келисоплар, суяк бигиз, мис куракча парчалари учратилган. Ижтимоий хўжалик жиҳатдан замонбоболиклар маданиятига яқин ёдгорликлар комплекси Ўрта Зарафшондан, Тўқайли ва Жуков қишлоқлари оралиғидан 1987 йилда топилиб, у «Жуков диний мемориал комплекси» деб ном олди.³ Сополга чизилган куёш рамзи қизғиш рангда, доира шаклида бўлиб, унинг иссиқ нурлари куёш айланаси бўйлаб, овал шаклида чизилган ерга нур таратиб, инсонларга ҳаёт бағишламоқда. Замонбоболиклар эътиқодида инсон жони чикқач, унинг руҳи куёш каби танадан ажралиб, боқий оламга учиб кетади ва танадан тез-тез хабар олиб турилади, деган тасаввур мавжуд. Шунинг учун улар мазорларга квадрат шаклида ишланган сопол қушдонлар қўйганлар. Қушдонларнинг ички қисми иккига бўлинган, яъни қушдоннинг катта қисми дон учун, кичик бир бурчак қисми сув учун режалаштирилган. Мана шу типдаги сопол идишларнинг қабрларда учраши замонбоболиклар руҳий оламининг оташпарестлик билан боғлиқ рамзий кўринишидир.

³ Н.А.Аванесова, Д.М.Джуракулова. Древнейшие номады Зарафшана. – «Культура номадов Центральной Азии». межд. конференции. –Самарканд, 2008. –Стр. 12-32; Я.Г.Гулямов, У.Исламов, А.Асқаров. Певобытная культура... Табл. VII. 1, 2, 3-расмлар.

Шуни қайд этиш лозимки, Зарафшон водийсининг бронза даврида Ўрта Осиёга Жанубий Қирғизистон ва Жанубий Сибир ўрталарида яшаган андронova типигаги кўчманчи чорвадор қабилаларнинг кириб келиши билан, албатта, Саразм ва Замонбобо аҳолиси билан тўқнашган ва улар ўртасида қандайдир алоқалар оқибатида аралшиб кетганлар. Бу вақтда замонбоболиклар Зарафшон водийсининг қайси бир музофотида чорвачилик ва деҳқончилик билан шуғулланиб ҳаёт кечирганлар.

Хуллас, Замонбобо комплекси моддий маданияти ўзбек халқи, жумладан Зарафшон водийсида яшаган халқларнинг қадимги тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Бу туркум ёдгорликлар чорвадор қабилалар маданияти билан боғлиқ бўлиб, уларнинг водий худудидаги энг қадимийси ҳисобланади.⁴

Адабиётлар:

1. Аванесова Н.А., Джуракулова Д.М. Древнейшие номады Зарафшана. – «Культура номадов Центральной Азии». межд. конференции. – Самарканд, 2008. –Стр. 12-32.
2. Аскарлов А. К датировке культуры Заманбаба. –Культура и искусства древнего Хорезма. –М., 1977.
3. Аскарлов А. Поселение Замонбаба. КСИА. Вып. 93. -М, 1963.
4. Аскарлов А.А. Культура Замонбаба в низовья Зарафшана. – ОНУ, Ташкент, 1962, № II.
5. Гулямов Я.Г., Исламов У., Аскарлов А. Первобытная культура и орашаемое земледение низовьев Зарафшана. -Ташкент, 1966.

⁴ А.Аскарлов. К датировке культуры Заманбаба. –Культура и искусства древнего Хорезма. –М., 1977.